

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

26 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
хужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек баъ-
зиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика озиқ-овқат са-
ноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбир-
лари тўғрисида» 2016 йил 18 февралдаги ПҚ–2492-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига 1-ило-
вага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатлари 2-ило-
вага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган меъёрий-ҳуқуқий хуж-
жатларини бир ой муддатда мазкур Фармонга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-
ликаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири
З. Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 3 январь,
ПФ–4911-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 3 январдаги
ПФ-4911-сонли Фармони
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритиладиган ўзгартишлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика чарм-пойабзал тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 23 февралдаги ПФ-2552-сонли Фармони 3-бандининг бешинчи хатбошидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 22 октябрдаги ПФ-4478-сонли Фармони 1-илласидаги «Масъул ижрочилар» графаси 12-бандида «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» ва «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари мос равишда «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК» ва «Ўзбекозиқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чигит етказиб бериш механизмининг ҳамда ўсимлик ёғи ва ёғ-мой маҳсулотлари сотишни тартибга солиш тўғрисида» 2006 йил 31 майдаги ПҚ-360-сонли қарориди:

а) 1-бандининг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси ўзининг таркибига кирувчи корхоналар ҳамда Ўзбекистон «Сифат» маркази билан биргаликда»;

б) 6-бандининг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси, ёғ-мой ва пахта тозалаш саноати корхоналари раҳбарлари зиммасига тегишли тарзда»;

в) 9-бандининг учинчи хатбошидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республиканинг ёғ-мой тармоғини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 7 сентябрдаги ПҚ-1401-сонли қарориди:

а) 1, 5, 6-бандлари ва 1, 2-илловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ чигит Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422-сонли қарори 5а-илласида кўрсатилган ёғ-мой тармоғи корхоналари томонидангина қайта ишланади»;

в) 3-бандида «мазкур қарорнинг 1-илласида» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси

фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ–2422-сонли қарори 5а-иловасида» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-банди қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ–2422-сонли қарори 5а-иловасига киритилмаган корхоналарда, шунингдек маиший шароитда чигитни қайта ишлаш ва пахта ёғи ишлаб чиқариш амалдаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳисобланади. Чигитни қайта ишлаш ва пахта ёғи ишлаб чиқариш билан ноқонуний шуғулланаётган шахсларга нисбатан белгиланган тартибда жавобгарлик, ҳатто жинойий жавобгарликкача бўлган чоралар кўрилади»;

д) 7-бандида:

биринчи хатбошидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013 — 2015 йиллар даврида республикада узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 13 мартдаги ПҚ–1937-сонли қарори 1-иловасининг «Масъул ижрочилар» графасида 4.6, 5.1 ва 5.2 позицияларидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ–2340-сонли қарорида:

а) 1-иловада:

I бўлимдан «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сатри ва 36-позицияси чиқариб ташлансин.

II бўлимидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сатри «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК» сатри билан алмаштирилсин.

б) 2-илованинг I бўлимида:

«Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сатри «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК» сатри билан алмаштирилсин.

30-позиция чиқариб ташлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи давомида эришилган аҳдлашувларни амалга ошириш ва икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 9 июндаги ПҚ–2351-сонли қарорида:

а) 1-иловасида:

«Масъул бажарувчилар» графасининг 18-позициясидаги «Ўзозоқовқат-саноат» уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК», «Ўзпахтасаноат-экспорт» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Масъул бажарувчилар» графасининг 64 ва 65-позицияларида «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқиқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Масъул бажарувчилар» графасининг 66-позициясидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловасида «А.Х. Салимов — Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси раиси» сўзлари «О.Б. Рустамов — «Ўзбекизоқиқовқатхолдинг» ХК бошқаруви раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» 2015 йил 23 июлдаги ПҚ–2374-сонли қарори 5-иловасида «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекизоқиқовқатхолдинг» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 18 февралдаги ПҚ–2492-сонли қарори 3-иловаси II бўлимининг 38-бандидаги «*» белгиси чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида ўтказилган Халқаро инвестиция форумида эришилган келишувларни амалга оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 10 февралдаги Ф–4613-сонли фармойиши 2-иловасидан 34-позиция чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 3 январдаги
ПФ–4911-сонли Фармониға
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотадиған айрим ҳужжатлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2010 йил 3 ноябрдаги ПҚ–1427-сонли қарорининг 2-банди ҳамда қарор иловаси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012 — 2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 31 октябрдаги ПҚ–1633-сонли қарорининг 1 — 7, 10 ва 12-бандлари ҳамда унинг 1 — 4-иловалари.